

Жиддий имтиҳон



07:10 / 08.08.2019 2106

Сулаймон ибн Ясор ҳаж ниятида бир дўсти билан йўлга чиқди. Улар Абво деган жойда дам олиш учун тўхташди. Шериги хуржунни олиб, бирор егулик олиб келиш учун бозорга кетди. Сулаймон чодирда қолди. У кўркам юзли, тақводор одам эди. Тоғнинг тепасида юрган бир аёл уни кўриб қолиб, унинг ёнига тушиб келди. У бошига паранжи ёпган, қўлида қўлқопи ҳам бор эди. Аёл Сулаймоннинг рўпарасига келиб тўхтаб, паранжисини ечди. Унинг юзи ойдек гўзал эди. Сулаймонга: «Мени таклиф қилмайсизми?» деди. Сулаймон уни таом сўраяпти деб ўйлаб, бирор нарса бериш учун дастурхонни оча бошлаган эди, аёл: «Мен сиздан таом эмас, эркакнинг аёлга бўладиган таклифини хоҳлаяпман», деди. Сулаймон: «Сени менга иблис жўнатдимми?» деди. Сўнг бошини тиззасига қўйиб, йиғлаб юборди. У тинмай йиғлайвергач, аёл паранжисини бошига ташлаб, қайтиб кетди.

Бироздан сўнг Сулаймоннинг шериги бозордан қайтиб келиб, унинг кўзлари йиғидан шишиб кетганини кўриб, сабабини сўради. Сулаймон: «Тинчлик, қизчамни соғиниб кетдим-да», деди. Дўсти унинг бу гапига ишонмай: «Қизинг билан хайрлашганинга энди уч-тўрт кун бўлди-ку? Йўқ, бу ерда бошқа гап бор, нима бўлди?» деди. У сўрайвергач, Сулаймон унга аёл билан бўлган воқеани айтиб берди. Буни эшитиб, дўсти ҳам қўлидаги хуржунни қўйиб, хўнграб йиғлай бошлади. Сулаймон унга: «Сен нега йиғлаяпсан?» деди. Дўсти: «Сендан кўра мен кўпроқ йиғлашим керак. Чунки сенинг ўрнингда бўлганимда сабр қила олмас эдим», деди. Иккиси узоқ йиғлашди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан